

## АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИНГ АЙРИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

*Дилноза Агзамова,  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
Ахборот-кутубхона фондларини комплекшлаш  
хизмати етакчи мутахассиси*

*В статье рассмотрены организационные и некоторые тенденции по информационно-библиотечному обслуживанию населения и оказание услуг*

Мамлакатимиз ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш, уларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда республикамызда кутубхоначилик ишини ривожлантириш, аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада яхшилаш борасида кенг кўламли ислохатлар амалга оширилди. Булар биринчи навбатда ахборот-кутубхона муассасаларидаги мавжуд фондларнинг каталогларини замон талабларига жавоб берадиган тарзда босма ҳамда электрон нашрлар билан қайта ишлаб чиқиш, сақлаш ва улар асосида китобхонларга хизмат кўрсатиш ишларни тез ва сифатли амалга ошириш имконини яратди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда вилоятларда ишга тушурилган кутубхоналарнинг янги биноларини қуриб битказилиши, ахборот-кутубхона соҳасидаги замонавий технологияларни жорий этилиши мазмун ва моҳиятдан янги ахборот-кутубхона тизимини яратиш имконини берди.

Ахборот-кутубхона хизматининг мақсади жамият мақсадларига боғлиқдир. Агар жамиятни аниқ мақсад ва йўналишларида ноаниқликлар бўлса, ҳеч бир кутубхона, АРМ, АКМ-

лар ўз мақсадлари ва йўналишларини аниқ белгилай олмайдилар. Жамият қандай мақсадлар сари илгари бораётганлигини аниқ билган тақдирда, ахборот-кутубхона хизматида ҳам мақсад ва йўналишлар белгиланади.

Ахборот-кутубхона хизматининг асосий вазифаларидан яна бири аҳолининг барча қатламини кенг қамраб олишидан иборат. Шунингдек кутубхоналарда фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Фойдаланувчиларни ўқишга, кутубхонага жалб этишнинг унумли, самарали йўллари ишлаб чиқиш вазифаси ахборот-кутубхона хизматининг муҳим ишларидан биридир.

Ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишнинг ўзига хос мақсади ва вазифалари фойдаланувчилар эътиборини қозонишга имконият яратди. Фойдаланувчига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг вазифалари қанчалик мақсадга мувофиқ, тўғри шакллантирилса хизмат кўрсатиш даражаси камол топиб ривожланиб боради ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларнинг тараққиёти учун асосий омил бўлади.

Демакки, фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини тўғри ташкил қилиш ҳамма бўлимларнинг биргаликда иш олиб боришини, асосий хизмат кўрсатиш шаклларининг ўзаро алоқасини талаб қилади.

Фойдаланувчилар қизиқишини ўрганиш ахборот-кутубхона хизматини амалга оширишда муҳим аҳамияти эга бўлиб фойдаланувчини ахборот ва адабиётларга бўлган талабларини аниқлашда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Фойдаланувчилар талабини ўрганмасдан туриб, улар учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, касб-корига оид ҳамда бадий-фалсафий адабиётлар туркумини илмий жихатдан аниқ белгилаш қийин. Шу боис, нашрдан чиққан ҳар бир адабиёт ёки турли ахборотлар фойдаланувчилар талабига тўлиқ жавоб беролмайди. Фойдаланувчилар аввало ахборотлар ва чоп этилган адабиётлар ичида ўзларига зарурини излайди. Ана шундай ахборот ва адабиётларни билиш ва улар билан ўз фондларини тўлдириб бориш кутубхоначи мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ҳар йил ёки чоракда ҳар бир кутубхона муассаси фойдаланувчилар ўртасида адабиёт-

лар тарғиботини мунтазам ўтказиб бориш керак. Шундагина ахборот-кутубхона муассасалари кўрсатилаган тенденцияларда жараёнларни тўла қамраб олиш ва шу орқали узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ишларига ўз хиссаларини қўшадилар.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тенденциялари қуйидагилардан иборат:

1. Ахборот-кутубхона хизматини инсоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланишига таъсир кўрсатиш.
2. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни илмий ва умуммаданий дунёқарашини шакллантириш.
3. Ахборот-кутубхона хизмати орқали умумтаълим ва касбий маҳоратни такомиллаштириш.
4. Ахборот-кутубхона хизмати орқали фойдаланувчиларнинг ахлоқий-эстетик руҳда шакллантириш.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тенденцияларини ахборотлаштириш функциялари орқали амалга ошириш ўз навбатида кутубхона мутахассисларининг асосий иши ҳозирги жараёнда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида қуйидаги ишларни бажара олишини тақозо этади:

- ахборотларни йиғиш ва қидириш, уларни сақлаш, идентификациялаш;
- ахборотларга аналитик —синтетик ишлов бериш;
- ахборотга бўлган кўникмани ўзлаштириш;
- ахборот-кутубхона муассасаларида мавжуд бўлган ресурслар тўғрисида ахборот бериш.

Хизмат кўрсатиш тизими ахборот-кутубхона муассасаларининг энг асосий функцияси ҳисобланиб кутубхона фаолиятини ўзгартиши ва барча бўлимлар иши ҳамда улар томондан амалга ошириладиган технологик жараённи келтириб беради. Кутубхона имиджини аҳоли кўз ўнгиде шакллантиради, охир оқибат жамият олдида унинг ўрнини ва ижтимоий доирага таъсир қилишини аниқлаб беради.

Хизмат кўрсатиш жараёнида ютуқлар субъектив факторларга яъни кутубхоначи мутахассисга ундан кейин кутубхонада олиб бориладиган фаолиятга боғлиқ. Кутубхонанинг ривожланиши учун биринчи навбатда, фойдаланувчига у изла-

ётган ахборотларни қисқа вақтда қидириб топиш усулларини яратиб бериш лозим. Бу янги инновацион ахборот технологияларни тарғиб қилиш ҳамда электрон ахборот етказиб бериш орқали амалга оширилади.

Бу жараён:

- китоб бериш ва қабул қилиш жараёнини тезлаштиради;
- талаб қиланаётган ресурслар ҳақида билиш имкониятига эга бўлади;
- фойдаланувчига қизиқаётган китоби ҳақида электрон муурожаат қилиш;
- фойдаланиш муддат назоратини осонлаштиради;
- автомат равишда кутубхонадан қарздорларини фойдалиниш имкониятини тақиқлаш.

Бунинг асосида фойдаланувчиларни кутубхонага жалб этиш, қизиқишларини ҳар томонлама ўрганиш, ахборот бериш тизимини ривожлантириш, фойдаланувчилар билан якка тартибда ишлаш ва адабиётларни тарғиб қилиш амалга оширилади. Фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини ташкил этишда кутубхона муассасалардан ташқарида хизмат кўрсатиш ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳар қандай кутубхона ҳам ўз ҳудудидаги барча аҳолини кутубхона хизмати билан тўлиқ қамраб ололмайди. Ҳатто ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам бундай имкониятлар мавжуд эмас.

Айрим ривожланган мамлакатлар кутубхоналарини иш тажрибаларини ўргансак улар фойдаланувчиларнинг 15% – 20% га яқини кутубхоналардан ташқарида адабиётлар билан таъминлаш усулларидан фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳисобга олиб фойдаланувчиларни кутубхоналардан ташқари хизмат кўрсатишнинг янги усулларини шакллантириб техника воситаларидан самарали фойдаланмоқдалар.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, ахборот- кутубхона хизматини амалга ошириш фойдаланувчилар ва уларнинг ўқиш психологияси бўйича назарий ва амалий билимларни, иш услубларини эгаллаши зарур.